

Бизнинг ота-боболаримиз авлиё эканми ёки ўз замонларида уларга хазрати Хизр назар килгон эканмиким, уларнинг даврларидаги хайру баракот, омонлик, арзончилик бизнинг замонимизда йўк. Ёки уларнинг килиб кетган ишларини ва солгон иморатларини букун биз кила олмаймиз. Хатто улардан нусха-нишона колгон катта биноларни тоза саклашдан ҳам ожиз қоламиз. Шундан билинадирким, раҳматлик ота-боболаримизда биз билмаган ва кўрмаган бирор хислат бор экан...

Хали эсимда борким, бобомнинг вақтида бир мардикорнинг кунлик меҳнат ҳақки 40 пул, хунароманд ва бориб турган овозадор бир устаники 2 танга эди. У вақтда чоряк гўшт танга мири, битта нон уч пул эди. Кадок-падок деган нарса у замонда йўк эди. Бундай чатоклик тошларнинг ҳаммасини кофирлар чикарди. Бизлар бобомиз замонида чакмок чакиб олов ёкар эдик. У вақтнинг гугурди бир турлик «жайдари» дейилган гугурд эдиким, мусулмонободдан колгон эски бакколларимизнинг дўконида хали ҳам тўда бўлиб ётадир.

Раҳматлик отам айтар эди: Болам, ҳар замонда арзончилик ва фаровонлик ўшал замон подшоҳининг адолатига қарайдир. Инсофлик, одил подшоҳнинг даври тинчлик ва арзончилик билан ўтадир. Хизр назар килмагон ва ё чилтоннинг аъзоси бўлмагон киши подшоҳ бўла олмайдир. Демак, подшоҳ бўлмокнинг бир шарти азими валий биландир.

Бобомнинг сўзларига қарагонда, букунги болшевиклар ҳам чилтонларнинг аъзосидир! Буларга ҳам, албатта, хазрат Хизр назар килгондир. Шундай бўлмаса эди, булар Туркистондек азиз-авлиёларнинг юртида 7 йил ҳукмронлик кила оларми эди!?

Мақсаддан узок кетдик. Бизнинг юқоридаги сарлавхани қўйишдан мақсадимиз, бу мақолада ота-боболаримиздан колгон тоғдек биноларнинг букунги хароблик ҳолидан бир оз дард-ҳасрат қилиш ва шу муносабат билан осори атика комиссиясини сўқиб ўтиш эди. Лекин нима бўлдию қалам кингирлик қилиб бошқа томонга бурулиб кетди.

Шаҳримиздаги эски биноларни бутун ва тоза сакдаш учун кўпдан бери осори атика комиссияси бор. Бу комиссия ойликхўрликка ва кўлига пул тушгонда уни «яқдардил» ҳисоби билан сарф қилишга ҳейли чечан, лекин эски биноларни ремонт қилиш ва уларни тоза саклашга жуда ҳам мичалдир. Ўшитганимизга қарагонда, осори атика комиссияси шаҳар ўртасидаги катта биноларнинг ахлат ва одам поруси билан тўлгонини кўруб шу

фурсатдан бир мунча истифода килмокчи бўлгон. Яъни тахминан юз аробалик ахлатни мусулмон табибларига ва мадрасалар устидаги поруларни обчакор дехконларга батархи тамом сотиб, пулини ўзининг майда-чуйда килгон харажатиغا хисоб этишга қарор килгон.

Хол шундай экан, дуо килинг, ўртоқлар! Худо бошимиздан ё комиссияни кўтарсун ёки шу биноларни... Токи уларни кўрмайлик-куймайлик.

*Ботурбек*

*«Машраб», 1924 йил, 8-сон*